



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 14 декабрь, шанба • №99 (11.487)

• Эркин нархда сотилади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 декабрь куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Алан Ларсонни қабул қилди.

Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик нафақат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, балки, деярли, барча соҳаларни қамраб олган. Айниқса, Президент Ислам Каримовнинг 2002 йил март ойида Америка Қўшма Штатларига ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама алоқаларни янада юқори босқичга кўтарди.

Бу, аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг юксак суръатларда ўсаётганида ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, 2001 йилда бу кўрсаткич 290 миллион долларга тенг бўлган эди. Жорий йилнинг ўтган ўн ойида эса ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 323 миллион доллардан ошди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари АҚШ сиёсий доираларида Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган катта эътиборни юксак қадрлашни таъкидлади.

А. Ларсон қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирар экан, АҚШ Марказий Осиёда ўз салоҳияти ва имкониятлари жиҳатдан етакчи ўринда турувчи Ўзбекистон билан кенг ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигини қайд этди.

АҚШ мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Республикаимизнинг минтақадаги хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги, шунингдек, халқаро террорчилик, диний экстремизм ва наркотик моддаларнинг гайриқонуний оқимиға қарши курашдаги қатъиятини юксак қадрлайди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро манфаатли алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

12 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз иш-ни бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - Котибиятни ташкил қилди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди. Ушбу масала бўйича кўшимча маъруза учун Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримовга сўз берилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати муҳокамасида "Пахта-банк" акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Алишер Навоий номидаги Академик Катта опера ва балет театри етакчи хонандаси М.Раззоқова, Анди-

жондаги "Маҳаллий саноат" ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компанияси раиси М. Юсупов, "Бухородонмаҳсулот" ишлаб чиқариш-акционерлик уюшмаси раиси Б. Бозоров иштирок этди. Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг келгуси йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунлар лойиҳаларини парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатлар муҳокамасига ҳавола этди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунларнинг олий ҳокимият органларида халқ хоҳиш-иродасини янада кенгроқ таъминлаш, ҳуқуқий демократик жамият қуришда улкан аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги парламентаризм тажрибаси, Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган маз-

кур қонун лойиҳалари турли сиёсий кучлар ва ҳудудларнинг вакили бўлган қонун чиқарувчиларнинг энг муҳим давлат масалаларини ҳал этишдаги ролини кучайтиришга қаратилган. Президент аҳолининг турли қатламлари манфаатларини амалга оширишнинг энг мақбул механизмини яратиш, мамлакатнинг профессионал олий қонунчилик органини шакллантириш учун бўлгуси парламентнинг иккала палатаси ваколатларини аниқ белгилаш зарурлигини алоҳида қайд этди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги қонун лойиҳалари муҳокамасида Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгашининг биринчи котиби Ф.Омонов, Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот кўмитаси раисининг ўринбосари, "Миллий тикланиш" демократик партияси раиси И.Фафуров, Олий Мажлисининг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси, Хоразм вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси Ш.Хўжаниёзова, "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" ДАЖ бошқаруви раиси - бош директори В.Кучеров, Республика

(Давоми 2-бетда).

14 декабрь –
14 январь:
Оммавий-
ватанпарварлик

ойи

ШУ АЗИЗ
ВАТАН –
БАРЧАМИЗНИКИ

Бу кўхна дунёда Инсон зоти пайдо бўлибдики, юртим, элим, Ватаним деб яшайди, умрини уни обод қилиш, ганимлардан сақлаш, келгуси авлодларга бир мустақкам ошён қолдиришга бағишлайди.

Мустақил Ўзбекистонимизда бугундан бошланаётган оммавий-ватанпарварлик ойлиги шунинг учун ҳар биримизнинг қалбимизга яқин, дил интилишларимизни ифодалайди. Ойликни ўтказишнинг вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинган дастурида шаҳар ва туманларда шонли Куролли кўчларимиз ташкил этилганлигининг 11 йиллиги – Ватан ҳимоячилари куни арафасида амалга оширилиши мўлжалланган тадбирлар қамраб олинган. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқади-

(Давоми 2-бетда).

ТАҲРИРИЯТДА ДАВРА СУҲБАТИ

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририятида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида илгари сурилган вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Тошкент вилояти прокурори Фахри Рахимов, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг раиси Каримжон Саидов, вилоят Адлия бошқармаси бошлигининг вазифасини бажарувчи Зухра Ази-

мова, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари Убайдулла Абдуллаев, жиноят ишлари бўйича вилоят судининг судьяси Лазиз Мусашайхов ва бошқалар иштирок этишди.

Давра суҳбатини вилоят газеталари бош муҳаррири Фатҳиддин Муҳиддинов бошқарди.

Давра суҳбатида суд, ҳуқуқ тартибот соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши, бу жараёни янада чуқурлаштириш, қонунларнинг ижросини назорат қилиш ва Президентимизнинг Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий вазифа ва қоидаларни вилоят матбуотида кенг

ёритиш бўйича ташкилий-маърифий чора-тадбирлар дастурини бажаришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва оммавий ахборот воситаларининг роли масалалари теварагида фикрлашиб, бу борадаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш режалари белгилаб олинди.

(Давра суҳбати ҳақидаги батафсил ҳисоботни газетанинг навбатдаги сониди ўқийсиз).

СУРАТЛАРДА: давра суҳбати қатнашчилари.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



КУТУБХОНА УЧУН ЯНГИ КИТОБЛАР

Олмалиқ шаҳар мактабларининг кутубхона захираси янги асарлар ҳисобига тўлдириб бориляпти.

Жумладан, яқинда Олмалиқ кон-металлургия комбинати шаҳар халқ таълими бўлимига 1 миллион 145 минг сўм маблағ ажратди. Шу ҳисобдан вилоят «Таълимсавдо» ва «Китобсавдо»дан кам таъминланган оилалар фарзандларига дарслик китоблари ва ўқитувчиларга ўқув-услубий кўлланимлари олинди. 2-, 18-, 20-, 22-мактаблар ва 16-лицей кутубхоналари кўплаб янги бадий китобларга эга бўлди.

Ёшларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, ўз ҳуқуқларини тўла англаб етишларига кўмаклашиш мақсадида шаҳар мактабларида «Қомусимиз — номусимиз» китобхоналар конференцияси, таниқли шоир ва ёзувчилар билан савол-жавоб, мушоира кечалари, «Китобсеварлар» кўрик-танловлари ўтказилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

"Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари А.Болиев, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, "Фонон" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М.Ашуров қатнашди.

Олий Мажлис "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунлар ҳамда уларни амалга киритиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлиси янги тахрирдаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Бу ҳақда Олий Мажлисининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси раиси А.Турсунов ахборот берди.

Янги тахрирдаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида Қорақўл тумани ҳоқими А.Раҳмонов, Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари кўмитаси котиби Н.Қамбаров, Сурхондарё вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори Р.Мухаммадиев иштирок этди. Депутатлар янги тахрирдаги ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида "Анджон нашриёти" очик турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х.Нўмонов, "Новатор" ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси А.Матвеев, Хатирчи туманидаги А.Икромов но-

(Давоми. Боши 1-бетда).

мидаги ширкат ҳужалиги бошқаруви раиси Э.Қаҳороров, Ҳузур тумани ҳоқими Х.Бозоров, Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова сўзга чиқди. Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Парламентнинг Матбуот ва ахборот кўмитаси раиси Ў.Ҳошимов депутатлар эътиборига "Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳавола этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Ўзбекистон жаҳон тиллари университети проректори Г.Боқиева, Хива тумани ҳоқими М.Мадаминово, Анджон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиги Ў.Охунов, "Тафаккур" журналы бош муҳаррири Э.Аъзамов иштирок этди. Олий Мажлис ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Шундан сўнг Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов "Давлат статистикаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Мазкур ҳужжат юзасидан Паркент тумани ҳоқими М.Кўччиев, "Бухоротурист" акционерлик жамияти раиси М.Зокиров, Қамаш тумани марказий шифохонаси бош шифокори А.Ғофуров ўз фикрларини билдирди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

13 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Сессиянинг иккинчи кунини янги тахрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошлан-

ди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлисининг Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлик масалалари кўмитаси раиси М.Умаралиев ҳавола этди.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича Сарийосиё тумани ҳоқими П.Мадиёв, "Хоразм шакар" очик турдаги акционерлик жамияти директори Қ.Ҳўжамуродов, "Наманганмевасабзавот" вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Н.Қурбонбоев, "Комплекс тематик экспедиция" очик турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Т.Бобожонов, "Бухоросувқурилиш" акционерлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Э.Ҳайдаров ўз фикрларини билдирди. Парламент янги тахрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Янги тахрирдаги "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси Қ.Жумабеков тақдим этди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида "Қизилқумнодирметаллолтин" давлат концерни раиси Н.Кучерский, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Т.Долимов, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очик турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко иштирок этди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қонларни санаёт йўли билан ўзлаштиришда кўшимча нодир металлларни мумкин қадар тўлиқ қазиб олиш зарурлигини таъкидлади. Нодир металллардан халқимизнинг бугунги ва келгуси авлодлари фаровонлиги учун самарали фойдаланиш мақсадида уларни ишлаб чиқишнинг узоқ муддатли дастури зарур. Президент, шунингдек, нодир металлларни санаёт йўли билан ўзлаштириш учун мамлакатимизда ўз базамизни ташкил этиш, ушбу соҳага хорижий инвестицияларни

жалб қилиш учун энг қулай шароитлар яратиш, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Олий Мажлис янги тахрирдаги "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов "Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси бўйича ахборот берди. Ушбу масала юзасидан Пахтачи тумани ҳоқими Э.Умματος, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори Р.Каттаева, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллоева ўз фикрини билдирди.

Мазкур масала муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини даромадлар устидан кўшимча назорат ўрнатувчи ҳужжат сифатида баҳоламаслик зарурлигини алоҳида қайд этди. Барча тараққий этган мамлакатларда фуқароларнинг даромадларини декларация қилиш тартиби мавжуд. Президент бу масаланинг ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, лойиҳани кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун қайта ишлаш давомида аҳолининг барча қатламлари фикрини ҳамда халқимизнинг менталитетини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлади. Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов "Фуқароларнинг муҳокамаси тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахрири лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва

бандлик кўмитаси котиби Ш.Умарова, Ургут тумани ҳоқими Х.Нуруллаев, Муҳиддин Қориёқубов номидаги академик ва халқ-бадиий жамоалар дирекцияси директори Ў.Саиджоновнинг чиқишларидан сўнг Олий Мажлис янги тахрирдаги "Фуқароларнинг муҳокамаси тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлисининг кўмита ва комиссиялари номидан парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси М.Сафаева "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди. Депутатлар мазкур ҳужжатни қабул қилди.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси Котибияти раҳбари Т.Кўзиёвнинг фуқароларнинг сессия давомида келиб тушган муҳокамалари ҳақидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати ўртасидаги шахсларни Халқаро жинойти судга топширишга доир битимни, Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги давлат чегараси тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегараси тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегарасининг айрим участкалари тўғрисидаги шартномани ратификация қилди.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.Ишметовнинг тақдирини кўра депутатлар Ф.Абдуазимовни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини якунлади.

Матбуот анжумани

ТЯН-ШАН МУАММОСИ:

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Ғарбий Тянь-Шан катта майдонга эга бўлиб, у ёнма-ён турган учта республика — Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ҳудудларига жойлашган. Ҳайвонот ва ўсимликлар олами ниҳоятда турли-туман, кўпчилиги қизил китобларга киритилган.

Шунинг учун ҳам бу минтақадаги биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш катта аҳамиятга эга. Уч қардош республика бу ишда фаол иштирок этмоқда. Айни вақтда, халқаро ташкилотлар ҳам ушбу муҳим муаммони ҳал қилишга ёрдам бермоқдалар. ТАСИСнинг Тянь-Шан биологик хилма-хиллигини сақлаш бўйича давлатлараро лойиҳаси ҳам шунга қаратилган.

Кунини кеча бўлиб ўтган матбуот конференциясида лойиҳани жорий қилинган вақтдан бошлаб, ўтган давр ичида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил ахборот берилди. Лойиҳанинг худудий мувофиқлаштирувчиси А.Чингожаев, миллий мутасадди В.Цой ва қатор экспертлар шу ҳақда тўхталдилар.

Кўрикландиган худудлар бўйича қонунчиликни такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш, миллий жамоаларнинг кўриқхонани бошқаришдаги иштирокини таъминлаш, экологик ту-

ризмни ривожлантириш, муқобил қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришини жорий қилиш, ўқитиш ва хабардорликни ошириш, маҳаллий ташаббус гурuhlарига кўмаклашиш, экологик тадбирлар ўтказиш лойиҳа доирасида амалга оширилган ишларнинг асосийларидир.

Лойиҳани бажаришда 17 нафар хорижий экспертлар қатнашдилар. ТАСИС лойиҳаси ўз фаолиятини глобал экологик фонднинг ғарбий Тянь-Шан биологик хилма-хиллигини сақлаш чегаралараро лойиҳаси, шу худуднинг бойлигини муҳофаза қилишга қаратилган бошқа лойиҳалар ва дастурлар билан ҳамкорликда юритди. Лойиҳа 2003 йилнинг 31 январидан якунланиши керак эди. Ушбу масала ғоят долзарблиги ҳисобга олиниб, ТАСИС томонидан лойиҳа фаолиятини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

ган вазифаларни амалга ошириш уларнинг негизини ташкил этади.

Ойлик мобайнида шаҳар ва туманларда мустақил мамлакатимиз ҳимоячилари шарафланади, шаҳарлар, туманлар, қишлоқлар ва маҳаллаларда оммавий танловлар бўлиб ўтади. Умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежларда, олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаларида «Аксилтеррор ҳаракатида Ўзбекистоннинг мавқеи» мавзусида сиёсий кун ўтказилади. Меҳнат жамоалари ва ўқув юрталарида Ўзбекистон тарихи ва Қуролли кучлари ҳаётини акс эттирувчи бурчаклар ташкил этилади. Учрашувлар, суҳбатлар, адабий-бадиий кечаларда уруш фахрийлари, зобитлар ва аскарлар Ватан, фарзандлик бурчи, огоҳлик ва хушёрлик ҳақида гапириб беришади. Ўқувчи ёшлар, курсантларнинг Ўзбекистон Қуролли Кучлари тарихи музейига Экскурсиялари уюштирилади.

Ватан ҳимоячилари кунини арафасида ўқув муассасаларида Ватанимиз сарҳадларини террорчилардан ҳимоя этишда қатнашган зобитлар ва аскарлар иштирокида «Жасорат дарс-

лари» ўтказилади.

Шу кунлар мобайнида спортнинг ҳарбий-техник ва амалий турларини оммалаштириш, айниқса, кенг тус олдирилади, таниқли спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари уюштирилади. Мактаб ўқувчилари ўртасида «Шунқорлар» спорт ўйинларининг дастлабки босқичи бошланади.

Оммавий ватанпарварлик ойлигини уюшқоқлик билан ўтказишда маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари, халқ таълими, маданият ишлари бўлимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар ва туман бўлимлари зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Ҳамма ерда, барча ташкилотларда ойликни самарали, таъсирли ўтказиш режалари белгиланиши ва изчил амалга оширилиши керак. Токи, шу кунлар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини ўташ, шонли ўтмишимиз ва эл-юртимизга садоқатни аҳолининг барча қатламлари онгига сингдиришга хизмат қилсин. Зеро, шу азиз Ватан — барчамизники, уни азиз ва муқаддас билиш, ардоқлаш ва ҳимоя қилиш — ҳаммамизнинг бурчимиз.

(Давоми. Боши 1-бетда).

2003 йил – Обод маҳалла йили

Шу ёз Чирчиқ кимёгарларининг саройида ўтган бир анжуманда, зални тўлдириб ўтирган каттаю кичик бир онахоннинг сўзларини ҳавас билан тинглади.

— Бир умр заводда меҳнат қилдим, — хикоя қиларди Ҳабиба ая. — Умр йўлдошим Носирхожи отангиз билан ўн икки фарзандни оёққа турғаздик, ўқитдик, дунёни танитдик. Бугун ўн бир келин, бир куёвга ҳурматли қайнонаман, — аёл бир дам тин олди, кўзларида илиқ бир жилва ўйнаб, кулимсиради. — Ёшим етмишдан ҳатлабди лекин, ўзим ҳамон келинман — юз ёшли қайнотам, тўқсон ёшли қайнонамнинг хизматларидаман...

— Нима демокчиман, болаларим? — Ая гўё зални тўлдириб ўтирган одамлар билан бир пиёла чой устида суҳбатлашаётгандек хотиржам, бафуржа сўзларди. — Айтмоқчиманки, бу ўн икки фарзандни ёлғиз Носирхожи бобонгиз билан иккимиз оёққа турғазганимиз йўқ. Болаларимизни маҳалла-кўй билан, эл-юрт билан бирга вояга етказдик. Маҳалла кўз-қулоқ бўлмаса, елкадош бўлмаса, бирини ювинтириб, иккинчисини кийинтирولмай, учинчисини боғчагами, мактабгами етаклай олмай турганимизда, кўни-кўшни қўл қоқишмаса, ҳамма юмушимизни ёлғиз эплай олармикимиз?! Айтмоқчи бўлганим — инсон зоти юрт билан тирик, маҳалла билан қадди тик, кўни-кўшни билан бағри бутун, руҳи тетик...

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини, маҳалла деганда биз тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, кут-барак ҳукмрон бўлган жойни тасаввур этишимиз ҳақида айтган сўзларини ўқиётимиз, Ҳабиба аянинг ўша суҳбатини эсладим.

Ўзбек борки, ҳеч қачон ўз оиласи, рўзғори, меҳнатини ташвишлари қобигига ўралиб қолмайди. У кўни-кўшни, маҳалла-кўй билан тирик. Ҳаётимиз рисоласи қадимдан, тарихан шундай шакланган. Ҳеч ким ўз дарди билан тўрт девор ичида танҳо қолмайди. «Дардингни олай»,

— дейди-да, бу халқ айна ташвиш юки босганида эшик қоқиб, кириб келади. «Етти кўшни — отаона», — дейди-да, бу халқ тупканинг тагида, кўздан нари — назардан четда бирор номаълум хатти-ҳаракатга аралашиб қолган болангизни қулогидан тутиб келади. «Ён кўшним — жон кўшним» — дейди-да, дамлаб қўйган чой-

боев номидаги маҳалла оқсоқоли Абдумалик Алимов. — Исталган киши куну тун уйимгами, маҳалла идорасигами кўнғироқ қилаберади. Ҳаммасини тинглайсиз, дарҳол муаммоларига ечим топиш ҳаракатига тушасиз.

Маҳалла оқсоқолининг иш-расамади шу. Шу сабаб камдан кам одам оқсоқолликни орзу қилади.

Маҳалла оқсоқоли — юрт отаси. Иши, гапи, хатти-ҳаракати шунга яраша бўлиши керак. Унинг фаолият доираси ҳадсиз-чегарасиз. Иш вақти ҳам ўлчовсиз.

Лекин, оқсоқоллар билан суҳбатлашсангиз, вазифа кўп, масъулият катта, бироқ ҳуқуқ йўқ, дейишади. Шу боис Президентнинг қайси масалаларда ҳокимият, қайси масалаларда маҳалла масъул эканлигини қонуний нуқтаи назардан аниқ белгилаб қўйиш вақти келганлиги ҳақидаги таъкиди, айниқса, ўринли. Талаб қўйиш эмас, ҳуқуқ бериш ташаббускорликни, бутун масъулиятни чуқур ҳис қилиб ишлаш эҳтиёжини кучайтиради. Акси — қўлоқни боғлаб, депсинтиришдан бошқа нарса эмас.

Маҳалла — ташаббус ўчоғи, имкон ҳам, ҳуқуқу масъулият ҳам ташаббус булогини жўш урдириши лозим. Шундагина унча оддий бўлмаган бугунги ҳаётимизда, бутун бошқарув тизимида маҳалла ўзига лозим ва муносиб ўрин топади. Бусиз маънавий ҳаётимизни изга солиш, ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйиб, жиноятчиликнинг барча кўринишларига чек қўйиб, баркамол авлодни тарбиялаш, тадбиркорлик ҳаракатини кенгайтириш — барча-барчаси яхшигина, ширингина орзу бўлиб қолаверади. Маҳалланинг кучи шунчалик. Маҳалланинг имкони шунчалик. Бу куч, бу имкондан факат оқилона фойдаланиш керак. Шунда бошида оқил оқсоқол турган маҳалла ҳар биримизнинг ишонч кўрғонимиз, фароғат ва камолот масканимиз, ҳақиқий маслаҳатчимиз ва суянчигимизга айланади. Бу — хонадонларимиз файзу баракаси, истиқболга ишонч, эл-юрт тинчлиги демакдир.

Жўрабек МУРОДОВ.

ФАЙЗЛИ ҚЎРҒОНИМ МЕНИНГ



ини кўтариб айвонингизга чиқиб келади, бир фурсат чақ-чақлашиб, қоронғу дилингизни ёритади, синиқ кўнглингизни кўтаради.

«Биз маҳаллада яшаймиз». Бу гапни алоҳида гурур билан, бағримиз бутунлигини эътироф этгандек, ифтихор билан айтамыз. Маҳалла ҳеч кимни ҳеч кимга бефарқ қолдирмайди. Зеро, ота-буваларимиздан қолган гап бор: «Кўшнинг тинч — сен тинч». Бу тушунча биз одамлар орасида яшашимизни, улар билан ҳаётимиз чароғонлигини билдиради. Шу боис ҳам келгуси йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилингани ҳўп бир хайрли иш бўлди. Бу, Президент айтмоқчи, «ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар-жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётгани»нинг эътирофи.

— Хонадонларимизнинг 80 фоизи телефонлашган, — деди Оҳангарон шахридаги 2-Охунбо-

Истеъмолчи ва бозор

ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛИБ ОЛАЙЛИК

Аслида биз бундай ҳолатларга кўникиб қолганмиз. Ҳа, шундай бўлар экан-да, деб кетаверамиз. Ана шу бепарволигимиз, истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқимизни билмаслигимиз оқибатида дўконларда, бозорларда қўлимизга сифатсиз маҳсулотларни тутқазийсиз-да, пинагимизни бузмаймиз.

Қамбар ака дўкондан сотиб олган калишига яхшилаб разм солиб, уёқ-буёғини айлантриб кўрди-да, дўконга қайтиб борди. Калишни сотувчининг олдида ташлади.

— Сотсаларинг тузукроғини сотмайсанларми? — қара, таги тешик, ёни кўчган, — деди.

Чапанироқ киши эканми, сотувчи ҳам бўш келмади.

— Олаётганда аҳамият бериш керак-да, у ер-бу ерини қараш уйга борганда эсингизга тушдими? Қани, кўлингизда берилган чек борми?

Аксига олиб, Қамбар ака олган бир парча чек қозғозини назар-писанд қилмай, ярим йўлда ташлаб юборган эди. Бу бепарволиги унга қимматга тушди. Чек йўқлиги боис ўзининг ҳақлигини исботлаши қийин кечди.

Хуллас, у бўлди, бу бўлди, Қамбар ака устига яна кўшимча пул бериб, калишни бутунга алмаштириб олди.

Ана шундай ҳолатларни бартараф этиш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ҳозир ушбу Қонуннинг мақсад ва вазифалари аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси ёшлар онгига ушбу Қонуннинг моҳиятини сингдириш мақсадида катта ташаббус билан чиқди. Халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда шаҳар ва туманлардаги ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари

ва ўқувчилари ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқий онгини оширишга бағишланган семинар-кенгашлар ўтказишни режалаштирди.

Дастлабки шундай семинар Олмалик шаҳар ўрта таълим мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтди. Унда вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Боймурод Улашов истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий ҳамда истеъмол маданиятини ошириш борасидаги жонли, мисолларга бой фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шундан сўнг бошқарманинг бўлим бошлиғи Санобар Очилова «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асл маъно-моҳиятини йиғилганларга батафсил тушунтириб берди.

Семинарда вилоят «Дори-дармон» бирлашмаси лаборатория мудири Маъмура Эркахўжаева даволаш воситаларини сотиб олишдаги ҳуқуқлар, қалбаки ва сифатсиз дориларни аниқлаш усуллари ҳақида, шунингдек, «Вилоятсавдо» ҳиссасдорлик жамияти раисининг ўринбосари Нуриддин Маҳқамов товар ва маҳсулотларнинг айрим турларини чаканалаб сотиш қоидалари тўғрисида гапириб берди. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўз ҳуқуқлари билан боғлиқ саволларга мутахассислардан мукамал жавоблар олишди.

Семинар-кенгаш иштирокчиларда катта таассурот қолдириди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни **2003 йил 15, 22, 29 январь ва 5, 12, 19, 26 февраль кунлари соат 11.00**да ўтказиладиган навбатдаги ким ошди савдоларига таклиф этади.

Савдога қўйидагилар қўйилади:

1. Юқоричирчиқ тумани халқ таълими бўлимига қарашли, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АК 984 бўлган, «ГАЗ-5204» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 501800 сўм.

2. «Чирчиқшаҳаргазтаъминот» ша-

ҳобчасига қарашли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10-32 ЕК бўлган, «Экскаватор ЮМЗ-6002» русумли техника воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1873100 сўм.**

Шунингдек, 30 октябрдаги ким ошди савдосида сотилган Паркент туманидаги «Номданак» ширкат хўжалигида жойлашган 1-2-ер майдонларига нисбатан ва 20 ноябрдаги ким ошди савдосида сотилган Қибрай тумани, «Дўрмон» ширкат хўжалигида жойлашган 1-2-ер майдонларига нисбатан савдо натижалари бекор қилинди ҳамда навбатдаги 18 декабрдаги савдодан бошлаб ким ошди савдосига чиқарилади.

Бундан ташқари, олдинги ким ошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат орденини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридagi маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Хусусийлаштиришга ко`маклашish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар:

133-28-52, 133-77-18,

факс: 133-43-73.

Dushanba

16

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Хисор кўриқхонаси»
9.05 «Камалак»
Болалар учун кинодастур.
9.45 «Туртинчи ҳоқимият»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 «Виждон»
Телесериал. 14-қисм.
10.55 «Куйла, ёшлигим»
11.20 «Алиса кўзгу орти ўлкасида»
Мультфильм.
12.05 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.05 «Санъатга баҳшида умр»
Халима Носирова.
13.30 «Ошин». Телесе-

риал.
14.10 «Обод уйда пок одамлар яшайди»
14.30 ТВ клип.
14.40 Кундузги сеанс: «Жигарбандим ёди»
Бадий фильм.
16.10, 17.25 ТВ анонс.
16.15 «Нурли манзиллар»
16.35 «Биламиз-у, аммо»
16.55 Эстрада тароналари.
17.30 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал.
17.55 ТВ маркет.
18.10 «Қалб гавҳари»
18.30 «Мулк»
18.45 «Бахтли воқеа»
Телелотерея.
19.15 «Бир жуфт кўшиқ»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот»
21.05 «2002 йил - Қарияларни кадрлаш йили». «Париси бор уй»
21.25 «Кўшигимиз сизга армуғон». И. Фармонов.
21.50 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.50 «Тарих кўзгуси»
4-қисм.
23.10 «Ахборот-дайжест»
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси»
10.20 «Кўк рангли сичқонча ва мушук»
Мультсериал. 20-қисм.
10.30 Саломатлик сирлари.
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр». Ҳафта ичида.
11.30 ТВ-анонс.

11.35 Кинотақдим.
11.55 Жаҳон жуғрофияси.
12.45 «Давр»-news.
13.00 Болалар шеърляти.
13.10 «Жюли Леско»
Сериал. 1-қисм.
14.00 Ҳарбий-ватанпарварлик кўшиқлари.
14.10 «Лафз». Телевизион бадий фильм. 6-қисм.
14.45 Олов билан юзмаюз.
15.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.50 Спорт ҳафтанома-си.
16.05 Фақат эркаклар учун.
16.20 «Анянинг кўнги-роқчаси». Бадий фильм.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» почтаси.
18.10 «Кўк рангли сичқонча ва мушук»
Мультсериал. 21-қисм.
18.20 ТВ-анонс.
18.25 Тафаккур ёлқинла-

ри.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлар овози.
20.00 Муҳаббат кўшиқлари.
20.15 Илдиз ва япроқ.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Хуршида»
Телевизион бадий фильм. 1-қисм.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23.5 даражали бурчак остида». 35-қисм.
17.45, 19.10, 21.45

«Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани»
18.30, 20.00, 21.10, «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида»
19.30 «Жозиба»
19.40 «Avto news»
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла»
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам»
22.05 Пойтахт шарҳи.
22.30 Кинонигоҳ.
«Муҳаббат барини кечиради»
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ-СИ. 17.15.-17.45.
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести»
18.05 «Евроњьюс»
англиклар.
18.20 «Ҳазил кетидан ҳазил»

19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.55 «Сўнгги қаҳрамон-2»
21.00 «Время»
21.40 «Бизнес-ревью»
21.45 «Балиқ овининг миллий хусусиятлари»
Кинокомедия.
23.35 «Юлдузлар фабрикаси»
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очи-лиши.
17.00 Шоу соати.
17.40, 20.45 «Телехамкор»
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Отчопар»
19.30 «Ошиқона» мусиқий дастури.
19.45 «Тайга». Сериал.
21.05 «Клип-совга», Телетаб-риқнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Уйгача олис масофа»
23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

17

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Дўппи», «Гўзаллик оламида»
9.20 «Соз сеҳри»
9.40 «Соғлом она - соғлом бола»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 «Мулк»
10.20 «Виждон»
Телесериал. 15-қисм.
11.15 «Рангин дунё»
11.30 «Интиланганга толе ёр»
11.50 ТВ клип.
12.05 «Париси бор уй»
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Мусиқий учрашув»
13.00 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
14.10 Кундузги сеанс:

«Такдилинг кўлингда»
Бадий фильм.
Адабий жараён:
15.20 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур»
15.55 Мусиқий танаффус.
16.10 «Яхшилар ёди»
16.30 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Баркамол авлод орзуси»
18.30 «Инсон ва қонун»
18.50 «Олтин мерос»
19.10 «Тафсилот»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Солиқ ва биз»
21.20 «Ўзбекистон» каналда илк марота-

ба: «Ошин». Телесериал премьераси.
21.50 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.50 «Тарих кўзгуси»
5-қисм.
23.15 «Ахборот - дайжест»
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук»
Мультсериал. 21-қисм.
9.45 Бизнес-академия.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 ТВ-анонс.
10.20 «Хуршида»
Телевизион бадий фильм. 1-қисм.
11.05 Саломат бўлинг.
11.25 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
11.45 Юлдузлар чехраси.
12.10 «Жюли Леско»
Сериал. 2-қисм.

13.00 Ёшлар овози.
13.20 Интерфутбол.
15.00 Кўна оҳанглар.
15.10 Автосалтанат.
15.25 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури.
15.55 Илдиз ва япроқ.
16.15 «Индинги кун жадвали»
Бадий фильм.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар»
17.55 «Кўк рангли сичқонча ва мушук»
Мультсериал. 22-қисм.
18.05 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.20 Автопатруль.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлик кўшиқлари.
20.00 Давр-интервью.
20.15 Дийдор.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Хуршида»
Телевизион бадий фильм. 2-қисм.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Нокаут.
23.35 Давр.
23.50 «Ҳақиқат чегараси»
Сериал.
00.15-00.20 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23.5 даражали бурчак остида». 36-қисм.
17.45, 19.00, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт»
Ахборот дастури.
18.50 «Химоя»
19.20 «Спорт ва болалар»
19.35 «Мумтоз наволар»
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла»
21.30 «Туризм ҳақида»
22.45 Кинонигоҳ.

«Филадельфия тажрибаси»
00.25-00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ-СИ. 17.15.-17.45.
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести»
18.05 «Евроњьюс»
англиклар.
18.20 Е. Петросянининг Кулгу панорамаси.
19.00 «Оилавий ришталар»
Сериал.
19.55 «Сўнгги қаҳрамон-2»
21.00 «Время»
21.40 «Бизнес-ревью»
21.45 «Балиқ овининг миллий хусусиятлари»
Кинокомедия.
23.10 Катталар учун «Аралаш»
23.30 «Юлдузлар фабрикаси»
24.00 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)

00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очи-лиши.
9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор»
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар»
Сериал.
10.40 Дам олиш дастури.
11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал.
12.00 «Фақат мюзик-холлда»
Комедия.
13.30 «Яго, зулмат эхтироси»
Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.00 «30-канал»да спорт.
16.50 Шоу соати.
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Британик»
19.30 «Ошиқона»
Мусиқий дастур.
19.45 «Тайга»
Сериал.
21.05 «Клип-совга»
Телетабриқнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Кинг-Конг»
23.15 Рестлинг титанлари.

Chorshanba

18

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Тошкент»
«Ўзбекистон маркаси»
9.20 «Нафосат гулшани»
9.45 «Тафсилот»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 «Унутмас мени боғим»
10.25 «Ғаройиб тўти Поли»
Бадий фильм.
11.50 ТВ клип.
12.05 Болалар учун «Фламинго»
12.25 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
14.10 «Остонаси тиллодан»

14.30 Мусиқий танаффус.
14.40 Кундузги сеанс: «Рим таътиллари»
Бадий фильм.
16.25 «Ягона оилада»
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Цирк, цирк, цирк!»
2. «Орзулар қанотида»
18.10 «Ажаб саодат эрур»
Бадий-публицистик кўрсатув.
18.30 «Умид». Телелотерея.
19.00 Мумтоз наволар.
19.10 «Мулк»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Санъатга баҳшида умр»
Саодат Кобулова.
21.30 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесери-

ал премьераси.
22.00 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.00 «Ахборот-дайжест»
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар»
9.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук»
Мультсериал. 22-қисм.
9.45 Давр-интервью.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 ТВ-анонс.
10.15 «Хуршида»
Телевизион бадий фильм. 2-қисм.
11.00 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.15 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
11.35 Ёшлар овози.
11.55 «Жюли Леско»
Сериал. 3-қисм.
12.45 Дийдор.

13.05 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис.
14.10 Кўна оҳанглар.
14.25 «Чекиш соғлиққа зарар»
Телефильм.
14.35 Автопатруль.
14.55 «Дарё бўйидаги учрашув»
Бадий фильм.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабулар»
17.00 «Кўк рангли сичқонча ва мушук»
Мультсериал. 23-қисм.
17.10 Болажон.
17.25 ТВ-анонс.
17.30 Ёш тадбиркор.
17.50 Чемпион сирлари.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Севги тароналари.
20.00 Спортлото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25, 21.15, 22.35 Эълонлар
20.30 «Хуршида»
Телевизион бадий

фильм. 3-қисм.
21.20 Ватан ҳақида кўшиқ.
21.25 Ракурс.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23.5 даражали бурчак остида». 37-қисм.
17.45, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани»
18.30, 20.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт»
Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона»
19.30 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.

19.50 «Мусиқий танаффус»
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла»
21.30 «Ҳамшаҳарлар»
22.35 Кинонигоҳ.
«Ҳамиша барҳаёт»
00.10-00.15 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ-СИ. 17.15.-17.45.
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести»
18.05 «Евроњьюс»
англиклар.
18.20 Юрий Никулин «Шу яқин орада»
кинокомедиясида.
19.00 «Оилавий ришталар»
Сериал.
20.00 «Рус рулеткаси»
Телешоу.
21.00 «Время»
21.40 «Бизнес-ревью»
21.45 «Янги йил»
операцияси.
Кинокомедия.
23.35 «Юлдузлар фабрикаси»

24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очи-лиши.
9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор»
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар»
Сериал.
10.40 «Яхши кайфият»
11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал.
12.00 «Тузатиб бўлмайдиган ёлғончи»
Комедия.
13.30 «Яго, зулмат эхтироси»
Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.00 «30-канал»да спорт.
16.50 Шоу соати.
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Официант»
19.30 «Ошиқона»
Мусиқий дастур.
19.45 «Тайга»
Сериал.
21.05 «Клип-совга»
Телетабриқнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Маст уста»
23.15 Спорт дастури.

Payshanba

19

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 Монте-Карлодаги цирк фестивали.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 «Мулк»
10.20 «Бенжи». Бадий фильм.

11.45 «Мусиқий танаффус»
12.05 «Ажаб саодат эрур»
12.25 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
14.10 «Озод юрт одамлари»
14.30 Ўзбекистон бастакорлари.
14.55 «Живз ва Вустер»

Телесериал.
15.45 «Фанимиз истиқболлари»
16.05 «Рухият манзаралари»
«Болалар сайёраси»:
16.25 1. «Болалиқнинг мовий осмони»
2. «Ён кўшилар - жон кўшилар»
Видеофильм. 1-қисм.
17.25 «Ака-ука Гримм эртақлари»
Мультсериал.
17.50 «Ривож»
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари»
18.30 «Яхши ният»
Телелотерея.
19.00 Бир жуфт кўшиқ.

19.10 «Инсон ва қонун»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
21.30 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.30 «Тарих кўзгуси»
6-қисм.
22.55 «Ахборот-дайжест»

23.15-23.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабулар»
9.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук»
Мультсериал. 23-қисм.
9.45 Болажон.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 ТВ-анонс.
10.15 «Хуршида»
Телевизион бадий фильм. 3-қисм.

11.00 Спорт-қитъаси (рус тилида)
11.25 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.45 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 «Жюли Леско»
Сериал. 4-қисм.
13.15 Ракурс.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Кўна оҳанглар.
15.25 Болалар экрани: «Мульттомоша»
15.55 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 Уйна, болажон, уйна...

16.45 «Янги авлод» студияси: «Имкон»
телешоу.
17.20 «Кўк рангли сичқонча ва мушук»
Мультсериал. 24-қисм.
17.30 ТВ-анонс.
17.35 Истеъдод.
17.45 Оғоҳ.
18.00 Бугуннинг ёшлари.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлик

кўшиқлари.
20.00 «Давр»-интервью.
20.15 Мезон.
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Хуршида».
Телевизион бадий фильм. 4-қисм.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телека-

налида спорт: Интер-футбол. Танаффус пайтида 23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23.5 даражали бурчак остида». 38-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани».

18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Навниҳол».
19.25 «Камолот фасли».
19.45 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.45 Кинонигоҳ.
«Жаноб Магу».
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал. 7.30-

9.00. **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ-СИ.** 17.15.-17.45.
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроњњњ» янгиликлари.
18.20 Олег Табаков «Сати» хузурида.
19.00 «Силавий ришталар». Сериал.
20.00 «Заиф бўгин». Телеуйин.
21.00 «Время».
22.10 «Бизнес-ревью».

22.15 «Виртуал олам».
22.25 «Ишбилармон кишилар».
22.45 «Экспромт».
23.05 «Соккер клуб».
23.25 «Экран зийнати ва киймати».
23.50 Жаҳоннинг янги мўъжизалари: «Дельта лойиҳаси».
00.15 «Юлдузлар фабрикаси».
24.00 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли реинжерлар» Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 Комедия. 13.30

«Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал» да спорт. 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Чарм курткалар». 19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.45 «Тайга». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Амалий афсун». 23.15 Спорт дастури.

JUMA

20

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Ён кўшиллар - жон кўшиллар». Видеофильм. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Орзулар камалаги». Бадий фильм.
11.15 «Инсон ва қонун».
11.30 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
11.50 ТВ клип.
12.05 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.05 «Санъатга бахшида умр».

13.30 «Олам». Телеальманах.
14.10 Кундузги сеанс: «Сехрли сурат». Бадий фильм.
15.35 «Хуқуқ сабоқлари».
16.00 «Интизор». Видеофильм.
16.45 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.50 1. «Уйла, изла, топ». Телемусобақа. 2. «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал.
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.30 «Дутор, танбур тароналари».
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Бир жуфт кўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиёсат оламида».

21.25 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
21.55 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.55 «Ахборот - дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Имкон» телеуйини.
9.50 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 24-қисм.
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 ТВ-анонс.
10.35 «Хуршида».
Телевизион бадий фильм. 4-қисм.
11.20 Мезон.
11.40 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
12.00 Ёшлар овози.

12.20 «Жюли Леско». Сериал. 5-қисм.
13.10 Бугуннинг ёшлари.
13.30 Интерфутбол.
15.10 Кўхна оҳанглар.
15.20 Болалар экрани: «Мульттомоша».
15.50 Еш тadbиркор.
16.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Олтин калит».
17.40 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 25-қисм.
17.50 Бахтли болалик кўшиқлари.
18.00 Автосалтанат.
18.15 Хуқуқ ва бурч.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр» нигоҳи.
20.00 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
20.15 Ёшлар овози.
20.35, 21.30, 22.35 Эълонлар

20.40 «Ишбилармон кишилар». Бадий фильм.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
00.10 Давр.
00.25-00.30 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23.5 даражали бурчак остида». 39-қисм.
17.45, 19.15, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Ёшлар худуди».
19.35 «ТТВда мусиқа».
19.45 «Моҳир».
20.30 ТТВда сериал:

«Азизим Изабелла».
21.30 «Эл хизматида».
22.30 Кинонигоҳ «Авлиё».

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал. 7.30-9.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ-СИ. 17.15.-17.45.
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроњњњ» янгиликлари.
18.20 Хўжатли детектив.
19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.35 «Юлдузлар фабрикаси».
22.50 «Бизнес-ревью».
22.55 «Дурдаршан».
23.25 Кинонинг олтин асри «Рақс қироли». Бадий фильм.
1.05 «Ахборот» (рус тилида)

1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли реинжерлар». Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Каратчи қиз». Фильм. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал» да спорт. 16.50 Шоу соати. 18.00 «30-да ринг қироллари». 18.50 Юмор дастури. 19.30 «Ошиқона». мусиқий дастур. 19.45 «Қора карга». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Яшиларнинг яхшиси-4». 23.15 Спорт дастури.

Shanba

21

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
9.25 «Хидоят сари».
9.45 «Соҳибжамол ва маҳлук». Мультфильм. 1-қисм.
11.05 ТВ анонс.
11.10 «Тафсилот».
11.25 «Маърифат».
Телеальманах.
11.45 ТВ клип.
11.55 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.50 ТВ-1 кинотеатри: «У замонлар утиб кетди». Бадий фильм.
14.05 «Кўл ботир ёки хонадонингиздаги мўъжизалар».
«Адабий жараён»:
14.30 1. «Езувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур».

15.00 «Ягона оилада».
15.30 «Бахтимизга омон бўлинг!»
15.50 «Рангин дунё».
16.05 «Бир кулишайлик».
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
2. «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал.
17.50 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
18.50 «Буни умр дерлар».
19.05 «Ўзбекино» тақдим этади: «Отбеги». Хўжатли фильм премьераси.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қизлар давраси».
22.35 Телевизион миниатюралар театри.
23.05 «Ахборот -

дайжест».
«Тунги ёғду».
23.25 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Кўркув». Бадий фильм. 1-қисм.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Олтин калит».
9.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 25-қисм.
9.45 Болалар клуби.
10.10 ТВ-анонс.
10.15 Табобат оламида.
10.35 «Давр» нигоҳи.
10.55 Мусиқий лаҳзалар.
11.05 Бола тилидан.
11.35 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
12.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Ринг қироллари».
13.00 Ҳарбий-ватанпарварлик кўшиқлари.
13.10 Кутилмаган меҳмон.
13.30 «Ишбилармон кишилар». Бадий фильм.

14.20 «Ким эгчил-у, ким чакон?»
14.40 Нуриддин Асқаров куйлайди.
15.00 Ёшлар овози.
15.20 «Экспедиция».
Хўжатли сериал.
16.10 Кўхна оҳанглар.
16.20 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
17.00 Очун.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
17.50 «Мульттомоша».
18.05 ТВ-анонс.
18.10 Футбол плюс.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Муҳаббат кўшиқлари.
20.00 «Давр»-репортаж.
20.10, 21.05, 22.35 Эълонлар
20.15 «Ғалаба онлари». Бадий фильм. 1-қисм.
21.10 Оҳанрабо.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Тунги тароналар.
22.55 «Ғаришталар

шаҳри». Бадий фильм.
00.35-00.40 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.10, 19.40, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Афиша».
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Пойтахт».
Шанбадан-шанбагача (рус)
19.20 «Хусусийлаштириш: кадам-бақадам».
20.00 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
20.45 «Мисли гавҳар».
21.00 «Пойтахт».
Шанбадан-шанбагача.
21.40 Кинонигоҳ. «Изсиз кетган».
23.15-23.20 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.20 «Икки рояля».

10.10 «Лаззат».
10.30 «Табиятшунос билан саёҳат».
11.00 «Е. Петросяниннинг Кулгу панорамаси».
11.40 СФИ Янгиликлари.
11.50 «Мультсеанс».
12.10 «Ҳинд оҳангари».
12.30 «Сирасини айтганда». Ток-шоу.
13.00-14.00 Дўстлик видеоанали: «Саҳий хонадонда», «Ўзбекистон-умумий ўйимиз», «Умид».
17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 «Йил кўшиқлари». Киш.
18.00 «Янгиликлар».
18.15 «Йил кўшиқлари». Киш.
18.50 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйин.
19.55 «Сўнгги қаҳрамон-2».
21.00 «Время».
21.30 «Нима? Қаерда? Қачон?»
Тунги канал: «Хали кеч эмас...»
22.50 «Шлягер».
23.05 «Моданинг гўзал дунёси».
23.20 «Хит парад».
23.40 «Яшаш воситаси».
23.55 «Юлдуз билан

учрашув».
00.10 «Автострада».
00.20 «Муз zone».
00.35 «Икки ёқлама зарба».
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
1.20 Киносеанс: «Учинчи Бетховен». Бадий фильм.
2.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 Юмор дастури. 12.00 Оилавий кино. «Бойваччанинг рафиқаси». 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Ҳинд киноси: «Дарз». 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Ватанпарвар». 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 20.30 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.05 «Ҳимоя чизиги». Сериал. 22.00 «30-канал» кинооқшоми: «Пирл Харбор».

Yakshanba

22

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот».
8.40 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
9.20 «Ғаройибот».
9.30 «Кутлуг қадам».
Телевизион бадий фильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20, 15.45 ТВ анонс.
11.25 Телевизион миниатюралар театри.
11.55 «Соҳибжамол ва маҳлук». Мультфильм. 2-қисм.
13.05 «Кўхна замин оҳанглари».
13.30 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
14.10 «Қалб гавҳари».
14.30 ТВ-1 кинотеатри: «Қайнона». Бадий

фильм.
15.50 «Портретга чизилар».
16.10 «Уй бекаси».
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Ён кўшиллар - жон кўшиллар». Видеофильм. 2-қисм.
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 3. «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал.
18.05 ТВ клип.
18.10 «Талабалик йилларим».
18.30 «Туртинчи ҳокими-ят».
18.45 «Оқ олтин». Телелотерея.
19.15 Бир жуфт кўшиқ.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Яқшанбада Сиз билан бирга».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи». Яқшан-

ба кинозали:
22.15 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Кўркув». Бадий фильм. 2-қисм.
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
9.20 Мультфильм.
9.45 ТВ-анонс.
9.50 Давр-репортаж.
10.00 Оҳанрабо.
10.35 Футбол плюс.
10.55 Очил дастурхон.
11.10 Мусиқий лаҳзалар.
11.20 Зинама-зина.
11.50 Аскар мактублари.
12.10 Болалар экрани: «Ренард исмли тулки». Мультфильм.
13.25 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
13.40 Чемпион сирлари.
14.00 «Ғалаба онлари». Бадий фильм. 1-қисм.
14.50 Ўзбекистон давлат консерваторияси

талабалари куйлайди.
15.05 «Экспедиция».
Хўжатли сериал.
15.55 Кишлоқдаги тенгдошим.
16.15 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.35 Болалар клуби.
18.00 ТВ-анонс.
18.05 Спорт ҳафтанома-си.
18.20 Оила тилсими.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.15 ТВ-анонс.
19.20 Ёшлик кўшиқлари.
19.40 Синфдош.
20.10, 21.05, 22.30 Эълонлар
20.15 «Ғалаба онлари». Бадий фильм. 2-қисм.
21.10 «Заковат» интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ҳафта ичиди.
22.35 ТВ-анонс.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Ёшлар» телекана-

лида премьераси: «Уолтер ва Генри». Бадий фильм.
00.20-00.25 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.00, 20.40, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Жаҳон географияси».
19.50 «Телефакт».
20.00 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.25 «ТВ ллюс».
22.15 Кинонигоҳ. «Нозик қўллар».
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.20 «Жаҳон бўйлаб».
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».

10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.05 «Мазахўрақлар».
11.55 «Кайфият».
Информацион-дам олиш дастури.
13.25 «Парле ву франсе?»
13.50 «FCN». Ўзбекистон янгиликлари (Инглиз тилида)
14.00 «Фан тайм».
«Инглиз тили Сиз учун».
14.35 «Хусусийлаштириш кадам-бақадам».
14.55-16.15 «Дўстлик» видеоанали: «Дидар», «Ўзбекистон умумий ўйимиз», «Корейя тилини ўрганамиз», «Маврид».
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бинафша».
18.30 «Хўжоя».
18.50 «Жонли табиат».
19.05 «Кўнгил кўнгилга лайванд». Дайджест.
19.35 «Олтин граммафон». Халқ мукофотининг йиллик топшириш маросими.
23.10 «Кармадон». Декабрь.
23.35 «Кинопрофи».
23.55 «Тенгдошлар».

00.25 «Тахлилнома».
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.45 — «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Эд». 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Кундузги кинозал. «Уй қамоғи». 16.10 Дам олиш дастури. 16.40 «Яширин камера билан». 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Улишнинг энг яхши усули». 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 12.00 «Бизда ҳамма уйда». Ҳажрий сериал. 20.30 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.05 «Ҳимоя чизиги». Сериал. 22.00 «30-канал» да яқшанба кинооқшоми. «Ронин». 23.50 Спорт шарҳи.

Чилонзор туманидаги «VISTAR» хусусий фирмасининг йўқолган думалоқ муҳри **БЕКОР КИЛИНАДИ.**

Sport

Sport

Sport

Мен яқинда йил якуни, деҳқончиликда эришилган ютуқлар ва шу билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, айрим муаммолар ҳақида суҳбатлашиш ниятида Тошкент туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалигига бордим. Бироқ идорадан раис Маҳмадjon Усмоновни топа олмадим. Котиб йигит одатдагидек «Раис даладалар» дейиладиган мавҳум жавобни бермади. Аксинча, «раис бува ўйингоҳдалар» деб ишонч билан айтди. Тўғриси, ҳайрон бўлдим. Буни сезган котиб йигит қўшимча қилди.

— Хабарингиз бўлса, — деди у, — шу кунларда вилоятлар чемпиони бўлган футбол жамоаларининг биринчи лигага чиқиш учун кураш баҳси бормоқда. Учрашувларнинг айримлари хўжалигимиз ўйингоҳида ўтказилади. Ҳозир у ерда футболчиларимиз бухороликлар билан ўйнамоқдалар.

Мен ҳам имкониятдан фойдаланиб, учрашувни томоша қилдим. «Тошкент» футбол жамоаси ажойиб ўйин кўрсатди ва бухороликларни 3:0 ҳисобида енгди. Маҳмадjon ака хурсанд эди. У ўйиндан сўнг футболчилар билан учрашиб, уларнинг қўлларини сиқиб, муҳим галаба билан қизгин табриклади.


Буни кўриб менинг фикрим ўзгарди. Бу гал раис билан қишлоқ хўжалиги мавзусидамас, балки, хўжаликда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасида қилинаётган ишлар, қандай қилиб футбол жамоасининг мавқеи мустаҳкамлашиб бораётгани ҳақида суҳбатлашишни режалладим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилган «Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»-ги қарори ҳақида раиснинг фикрини сўрадим.

— Айни муддаодаги қарор бўлди, деди у, — хўжалигимизда спортга ихлос қўйганлар ўртасида бу қарорни синчилаб ўрганиб чиқдик. Унда жамғарма олдига қандай вазифалар қўйилганлиги, бу вазифаларни бажаришнинг йўл-йўриқлари ҳақида фикрлашдик. Хусусан, ҳудудимиздаги ташкилотлар билан биргаликда спорт мажмуаларини оқилона жойлаштириш, уларни замонавий техника талабларига мувофиқ жиҳозланишини таъминлашга алоҳида эътибор беришни яна бир бор кўнглимизга тугиб қўйдик.

— Агар янглишмасам сизларда бу борада бошқа хўжаликларга нисбатан бирмунча кўп ишлар қилинган. Футболчиларингизнинг доврugi довон ошаяпти.

— Халқимизнинг соғлом танда соғ ақл, деган доно нақлига мумкин қадар амал қилишга ҳаракат қилаёلمизда, — дейди раис. — Ўзимдан қиёс, мен ҳам ўсмирлар қатори ёшлигимдан спортга, айниқса футболга қизиққанман, ихлос қўйганман. Ҳозирги картошқачилик, сабзавотчилик илмий-тадқиқот институти ҳудудида истиқомат қилардик. Уша

СПОРТНИ СЕВГАН РАИС



ердаги ўсмир ёшлар — ашаддий қизиқувчилар уюшиб, футбол жамоасини ташкил этдик. Лекин, ўйнаш учун тайинли майдон йўқ, нима қилиш керак? Кўплашиб раҳбарлар олдига чиқдик, мақсадимизни айтдик. Улар бизни тушунишди. Чеккароқдаги ташландиқ майдонни ажратиб беришди. Ёнимизга бошқа ўспиринларни ҳам олиб, майдонни чиқиндилардан тозаладик, текисладик. Қарабсизки, бинойидек ўйингоҳ вужудга келди. Жамоамизга аъзо бўлувчи ишқибозлар кўп эди. Танлаб, саралаб, улардан энг яхшиларини жалб этдик. «Стадион»имиз кун сайин, ой сайин гавжумлашиб, томошабинлар ҳам кўпайиб борди.

Бу орада институтни битириб, муҳандислик касбини эгалладим. Йўлланма билан Тошкентдаги тепловозларни таъмирлаш корхонасига ишга бордим. У ерда уста, кейин технолог, технология бюроси бошлиғи, цех бошлиғи бўлиб ишладим. Бўш вақт йўқ эди. Лекин бир дам

бўлса ҳам футболга бўлган ихлос, меҳр мени тарк этмади. 1977 йилда ўзим туғилиб ўсган қишлоқдаги хўжаликка бош муҳандисликка ишга таклиф этдилар. Ана энди кўнглимга туғиб қўйган орзуимни амалга ошириш учун имконият туғилган эди. Раис бўлиб сайлангач эса, бу имкониятдан унумли фойдаланиш тараддудини кўра бошладим. Футбол жамоаси тузишга ўзим раҳбарлик қилдим, оталиққа олдик. Жамоамиз йилдан-йилга маҳоратини оширишга ҳаракат қилди. Мана, ўн саккиз йилдирки, раислик қилаётган бўлсам, деҳқончилик ишлари билан бир қаторда футболга бўлган эътиборимни

пион бўлдилар. Бу йил вилоят кубоги учун бўлган курашда «Тошкент» жамоамиз финалга чиқди. «Пахтакор» стадионида Қибрай тумани жамоасини финал учрашувида 1:0 ҳисобида енгди. Ниҳоят ноябрь ойи бошларида Наманганда вилоят кубогини олган жамоаларнинг беллашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувни ҳам футболчиларимиз кўтаринки руҳда ўтказиб, финалга йўлланма олдилар. Финалда эса, майдон эгалари — «Наманган» жамоаси устидан 3:0 ҳисобида галаба қозондилар ва республика кубогини олишга муваффақ бўлдилар. Бундай натижага эришишда мураббийимиз Валерий Бородовскийнинг хизматлари беқиёс бўлди.

— Уйинчилар ҳақида гапириб берсангиз.

— Улар асосан қишлоқ ёшларидан иборат. Бири курувчи, бири деҳқон, бири ўқитувчи. Уртача ёшлари йигирмадан ошмайди.

— Албатта, футболнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор...

— Бўлмаса-чи, футбол клуби ўзининг низомига эга. Унда футбол ўйинини ташкил этишнинг қонун-қоидалари ҳар жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган. Бу бир, иккинчидан, клуб ҳар йили ҳар бир ўйинчи билан алоҳида шартнома тузади. Унга ҳар икки томон ҳам қатъий амал қилади.

— Уйингоҳни доимо ораста, саранжом-саришта сақлаш, ўйинчиларни кийим-бош билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, сафар харажатларини қоплашнинг ўзи бўлмаса керак?

— Албатта. Ҳомийларимизга катта раҳмат, улар саховатларини аямаяптилар. Айниқса, «XXI аср» фирмаси, «Эргаш ота» фермер хўжалиги, «Жаннат» фирмаси, Ўзбекистон ва Жанубий Корея қўшма корхонаси, шунингдек «Қаландар ота» фирмаси, Келес автобус саройи, «Тўлабий» хўжалиги, «Тулпор» от спорт клуби футболчиларимизни доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда.

— Гапингизга қараганда худудда от спортни ҳам ривож топаётган экан. Агар янглишмасам, спортнинг бу тури сизларда илгаридан бор эди...

— Гапингиз тўғри. Бироқ, айрим сабаблар туфайли ўз фаолиятини тўхтаиб қўйган эди. Вилоят от спорт клуби тузилгач эса, уни хўжаликда янгидан йўлга қўйиш учун имконият туғилди. Вилоят ҳокимининг қарори билан «Тулпор»га каттагина ер ажратиб берилди, раҳбарлар тайинланди, мутахассислар ишга жалб қилинди. Шундай қилиб, ишлар қизиқ кетди.

— Яна футболга қайтсак, жамоанинг яқин келгусидаги режалари ҳақида нима дея оласиз?

— Биз 2002 йилдаги асосий мақсадимизга эришдик. Янги йилдан бошлаб жамоамиз биринчи табақада тўп суради. Бу — зиммамизга янада катта масъулият юклайди.

Суҳбатни

Носир РИХСИЕВ олиб борди.

«ОСИЁ КУБОГИ – 2004»: ҚУРЪА ТАШЛАНДИ



ОЛИМПИА ТЕРМА ЖАМОАМИЗ – КУЧЛИЛАР САФИДА

Мамлакатимиз терма жамоаси Таиланд, Тожикистон, Қатар, Кувайт, Фаластин, Эрон, Иордания, Ливан, Ироқ, Баҳрайн, Малайзия, Саудия Арабистони, Яман, Индонезия, Жанубий Корея, Уммон, Вьетнам, Бирлашган Араб Амирликлари, Сурия, Туркменистон билан кучлилар орасидан жой олиб, 2004 йил Пекинда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш учрашувлари биринчи босқич мусобақаларидан озод қилинди. Мамлакатимиз футболчилари саралаш учрашувларининг иккинчи босқичидан мусобақага қўшиладилар.

Пекин шаҳрида навбатдаги Осиё чемпионатидаги қуръа ташланди. Ўзбекистон «А» гуруҳидан жой олди. Юртдошларимиз Таиланд, Тожикистон ва «Д» гуруҳи (Гонконг, Лаос, Бангладеш) ғолиби билан курашадиган бўлдилар. Саралаш учрашувлари икки босқичда ўтади.



рациясининг Куала Лумпур шаҳридаги қароргоҳида йўлланма-

2004 йилда Афина шаҳрида ўтказиладиган олимпия ўйинларига Осиё китъасидаги қатнашадиган мамлакатлар терма жамоалари учун учта ўрин ажратилган. Осиё Футбол Конфедерациясининг Куала Лумпур шаҳридаги қароргоҳида йўлланма-

га даъвогар терма жамоаларнинг рақибларини аниқлаш мақсадида қуръа ташланди. Даъвогарлар уч босқичли курашда иштирок этадилар. Мамлакатимиз олимпия терма жамоаси Жанубий Корея, Япония, Малайзия, Саудия Арабистони, Шимолий Корея, Индонезия, Баҳрайн, Қатар, Кувайт, Хитой, Таиланд каби олимпия терма жамоалари сафидан жой олиб, юқори рейтингга эга бўлгани учун биринчи босқич баҳсларидан озод қилинди. Иккинчи босқич баҳслари 2003 йилнинг 2 майдан 7 июнигача бўлиб ўтади. Ўзбекистон Эрон-Мальдив ороллари олимпия терма жамоалари учрашувининг ғолиби билан курашади.

Талъат ЮСУПОВ.

Дунёдаги йирик спорт нашрлари йилнинг энг яхши футболчисини аниқлаш учун сўров ўтказиши анъанага айланган. Буюк Британиянинг "Уорлд Соקר" журнали ўқувчилари орасида ўтказилган сўров натижасига кўра, Бразилия терма жамоаси ва Мадриднинг "Реал" клуби ҳужумчиси Роналдо жаҳоннинг энг яхши футболчиси, деб топилди.

ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ

Сўровда қатнашганларнинг 26,17 фоизи Роналдо учун овоз берди. Иккинчи ўринни эгаллаган Михаэл Баллак (Германия) ундан деярли 10 фоиз ортда қолди. "Бавария" ярим ҳимоячисини журнал ўқувчиларининг 17,69 фоизи ёқлади. Дунёнинг учинчи рақамли футболчиси, деган шарафли ном эса Роналдонинг жамоадоши Роберто Карлосга насиб этди. У 8,48 фоиз овоз тўплади.

Мазкур сўровни ўтказиш пайтида "энг яхши мураббий ким", деган савол ҳам ўртага ташланган эди. 2002 йилги жаҳон чемпионатида Жанубий Корея терма жамоасини ярим финалгача олиб чиққан Гус Хиддинк ана шу унвонга лойиқ, деб топилди. Сўровда қатнашганларнинг аксарияти голландиялик мутахассис учун овоз берди.

(ЎЗА).

МОСКВАДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

2003 йилнинг 18-26 январь кунлари Москвада МДХ мамлакатлари чемпионларининг анъанавий халқаро турнири ўн биринчи марта ўтказилади.

Унда 16 жамоа тўрт гуруҳга бўлиниб баҳс юритади. Қуръа натижасига кўра «Пахтакор» «С» гуруҳида «Шахтёр» (Донецк), «ФБК-Каунас» (Литва) ва Озарбай-

жон ёшлар терма жамоаси билан баҳс юритадиган бўлди. Биринчи учрашув 18 январда «Шахтёр» билан ўтказилади. Иккинчи ўйин эса, Озарбайжон ёшлар терма жамоаси билан

бўлади. Сўнгги учрашувда пахтакорчилар «ФБК-Каунас» футболчиларига қарши майдонга тушадилар.

Гуруҳ баҳслари 18-21 январь кунларида белгиланган. Кучли саккиз жамоа кейинги босқичда мусобақани давом эттиради.

XVII asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar



ВЕНЕСУЭЛА:

МУЗОКАРАЛАР БЕҲУДА КЕТМОҚДА

Ўн кундирки, Венесуэлада норозилик намоиши тўхтамаяпти. Мухолифлар эълон қилган сурункали иш ташлаш мамлакат иқтисодиётига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Улар президент Уга Чавеснинг истеъфого чиқшини талаб қилаётир.

Вазиятнинг кескинлашувидан хавфсираган президент мамлакат куролли кучларига барча нефт иншоотларини назоратга олишни буюрди. Каракаста автомобилга ёнилги куйиш шохобчаларини автомат билан куролланган аскарлар кўрикламоқда.

ХИНД ОКЕАНИ:

КЕМА ҚЎЙИБ ЮБОРИЛДИ

Халқаро аксилтеррор коалицияси таркибида Хинд океани ҳавзасини кўриқлаётган Испания ва АҚШ ҳарбийлари томонидан қўлга олинган «Со-Сан» савдо кемаси қўйиб юборилди. Вашингтонда бўлиб ўтган матбуот анжуманида АҚШ давлат департаменти расмий вакили Ричард Баучер шундай баёнот берди. Унинг айтишича, кемадаги баллистик ракеталар Яман ва Шимолий Корея ўртасидаги ахдлашувга мувофиқ олиб кетилаётгани маълум қилинган, шундай қарорга келинган.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга кўра, Яман ҳукумати Оқ уй маъмуриятини ракеталар фақат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун КХДРдан сотиб олинганига ва улар ҳеч қачон бирор бошқа мамлакатга экспорт қилинмаслигига ишонтирган.

СЛОВЕНИЯ:

ЯНГИ БОШ ВАЗИР


Шу пайтгача молия вазири вазифасини бажариб келган Тоне Роп Словениянинг янги бош вазири этиб сайланди. Уни парламент депутатларининг 63 нафари ёқлаб чиққан бўлса, мухолифатдаги партияларнинг 24 нафар вакили қарши овоз берди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга кўра, Тоне Роп ушбу лавозимга тавсия этилган ягона номзод бўлган.

Мутахассислиги бўйича иқтисодчи бўлган янги бош вазир ишни тузилган кунини нишонладан бошласа, ажаб эмас. 27 декабрь куни у 42 ёшга тўлади. У сўнгги йилларда мамлакат молия вазирилигини бошқариш билан бирга, Словения Либерал-демократик партияси раисининг ўринбосари вазифасида ҳам фаолият юритиб келди.

ШВЕЦИЯ:

НОБЕЛЬ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ҳар йили декабрь ойида Швецияда машҳур олим Альфред Нобель васиятига биноан жорий қилинган мукофотни соҳибларига топшириш маросими ўтказилади. 1901 йилдан буён турли соҳалар бўйича берилаётган мазкур мукофотга бу йил 13 киши сазовор бўлди. Шу муносабат билан 10 декабрь куни Стокгольм шаҳрида тантанали маросим ўтказилди.



101 мартаба уюштирилган маросим доимгидек катта тантана билан ўтди. Бу галги омадди номзодларнинг ўн икки нафарига мукофотни Швеция қироли Карл XVI топширди. Олти йўналиш бўйича фан ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшган янги совриндорлар фахрий ёрлик, махсус нишон ва ўн миллион крона (1,3 миллион АҚШ доллари тенг) миқдорида пул билан тақдирланди.

Ҳар бир маросимнинг ўзига хос урф-одатлари бўлади. Нобель мукофотла-


рини топшириш маросими ҳам бундан мустасно эмас. Кечага тақлиф қилинганларнинг барчаси фрак кияди. Маросим, айниқса, совриндорлар учун ниҳоятда мураккаб кечади. Улар тантанадаги хатти-ҳаракатларини узоқ вақт машқ қилади.

Кеча охирида катта зиёфат уюштирилади. Бу сафар Нобель жамғармаси, аввалгилардан фарқли ўларок, меҳмонларнинг яхши дам олиши ва вақтичоғлик қилиши учун «Циркер» цирк труппасини тақлиф қилди.

Аъянага кўра, Нобель мукофотини топшириш маросими Норвегияда давом этди. Мазкур маросим мамлакат қироли Ҳаралд, қиролича Соня, қирол оиласи, парламент ва ҳукумат аъзолари ҳамда мамлакатнинг сиёсат ва жамоат арбоблари иштирокида ўтди.

Ослодаги бу галги тантаналарда АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картер Нобель мукофоти билан тақдирланди. Тинчлик йўлида жонбозлик кўрсатган номзодлар орасида жаҳоннинг машҳур сиёсатчилари кўплиги боис уларнинг энг муносибини аниқлаш биров қийин кечди. Нобель академияси батафсил муҳокама-лардан сўнг, мазкур мукофотни АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картерга беришга қарор қилди.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА.



Грециядаги қадимий ёдгорликлардан бири.

ДОЛЛАРНИНГ РАНГИ ЎЗГАРАДИ

«Лос-Анжелес таймс» газетасининг ёзишича, АҚШ пул белгилари бюроси долларнинг рангини ўзгартиришга қарор қилган. Даставвал, 20 долларлик купюранинг янгиси чиқарилади. Ранг-баранг кўринишга эга бўладиган банк қоғозининг тақдирот маросими 2003 йилнинг баҳорига мўлжалланган. Кузга бориб у тўлиқ муомалага киритилади. Кейинги бир ярим йил давомида 50 ва 100 долларлик пулларнинг ранги ўзгартирилади. Уларнинг ўлчами ва президентлар сурати сақлаб қолинади. Фақат айрим деталларгина бошқача шаклда ифода этилади.

Ўзгариш асосан долларнинг рангига тегишли. Олдинги кўк рангдан фарқли ўларок, янги банк қоғозларининг ҳар қайсиси ҳар хил рангда чиқарилади.

Бу жараён қалбаки доллар тайёрловчиларга қайсидир маънода зарба бериши аниқ.

УЧ ЁШЛИ ПОЛВОН

Кабардин-Балқариянинг Терек шаҳрида яшовчи Жонпўлат Хатов Россиянинг энг йирик ва кучли боласи, деб топилди. Энди уч ёшдан ошган полвоннинг 40 килограмм тош босиши барчани ҳайратга солмоқда.

Россиянинг рекордларни рўйхатга олиш кўмитаси ҳозирнинг ўзида катта кучга эга болакайни Гиннеснинг рекордлар китобига тавсия қилди.

Тенгдошларидан анча баланд жажжи паҳлавонни болалар ва ўсмирлар олимпия мактабига машғулот ўтказишга тақлиф этишганди. Унинг 24 килолик тошни қийналмай кўтариши одамларнинг қизиқишини янада орттирди.

Жонпўлат полвоннинг онаси – ҳамшира Неля Кабардованинг яна икки нафар «оддий» ўғли бор. Бири 11, иккинчиси 15 ёшда.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҚАҲВА ФЙДАЛИ ЭМИШ...

Қаҳвани узоқ вақт тадқиқ этган голландиялик олимлардан бирининг таъкидлашича, қаҳва таркибидаги магний ва айрим бошқа моддалар қанд касаллигининг олдини олармиш. Соҳа вакилларининг маълум қилишича, бу турдаги касаллик 45 ёшдан ошган семиз одамларда кўпроқ учрайди. Чунки бу ёшдаги одамларнинг танаси етарли миқдорда инсулин гармони ишлаб чиқармайди ва томирларда қанд моддаси тўпланиб қолишига олиб келади.

Голландия Миллий институти олимларининг ўн етти минг бемор орасида ўтказган сўров ва текширувлари шуни кўрсатдики, бир кунда 4-5 маҳал қаҳва истеъмол қилувчилар орасида қандли диабет касаллигига чалиниш жуда кам экан.



